

ENVIRONMENTAL INSURANCE OF SOCIAL INSURANCE

AA Daminov (TSU)

Independent researcher

Abstract: To date, in the world practice, three methods are used to compensate for the damage caused to the economy as a result of the impact of anthropogenic activities on the environment. This is done at the expense of the state budget, at the expense of the injured person's own funds, as well as at the expense of funds collected in the insurance business. The state's regulators will be able to have a direct and indirect impact on the insurance market and improve relations in the field of environmental insurance, taking into account the realities of the economy and the environment.

КОЛОГИК СУҒУРТА ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ ХУСАУСИДА

А.А.Даминов (ТДЮУ)

мустақил тадқиқотчиси

Бугунги кунга келиб бутун дунё тажрибасида атроф табиий муҳитга антропоген фаолият таъсири натижасида иқтисодиётга етказилган зарарни қоплашнинг асосан учта усули қўлланилади. Булар давлат бюджети ҳисобидан, зарар етказган шахснинг ўз шахсий маблағлари ҳисобидан ҳамда суғурта бизнесида мужассамлаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Етказилган зарарни қоплашнинг давлат томонидан тартибга солиб бориш дастаклари суғурта бозорига нисбатан бевосита ва билвосита таъсир ўтказиш имкониятларини яратиш, иқтисодиётнинг ва экологиянинг реал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда экологик суғурта соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Демак экологик суғурта юридик шахс ва фуқаролар, уларнинг мулки объектлари ва даромадларининг экологик ва табиий офат, авария ва ҳалокатлардан ихтиёрий ва мажбурий давлат суғуртаси қилиш жараёнида намоён бўлади.

Айни пайтда Ғарб мамлакатларида экологик хавфни умумий жавобгарликни суғурталаш шартномасидан чиқариш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ барча хавфларни фақат экологик суғурталаш доирасида суғурталашга ўтиш тенденцияси кузатиш мумкин.

Бу борада яқин хориж давлатларида ҳам қонунчилик базаси яратилмоқда. Жумладан, 2005 йилда Қозғистон Республикасида “Мажбурий экологик суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Озарбайжон Республикасида ҳам экологик суғурта қилиш миллий қонунчиликка киритилган.

Россия Федерациясида “Мажбурий экологик суғурта қилиш тўғрисида”ги Федерал қонунни ишлаб чиқишга киришилган. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, экологик, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни олдини олишнинг самарали механизмларини яратиш ва ўз вақтида қўллаш чораларини амалга ошириш, шунингдек, айрим ҳолларда атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш учун молиявий фондлар ёки заҳиралар ташкил этиш зарур. Экологик хавфли унсурларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтиришда ҳамда давлат ва жамиятнинг иқтисодий

манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашда мажбурий экологик суғурталаш табиатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг бюджетдан ташқари энг мақбул молиявий манбаи ҳисобланади. Мажбурий экологик суғурталаш тизими етказилган зарарни қоплаб, барча даражадаги бюджет тизимида молиявий юкни кафолатли камайтирибгина қолмай, атроф-муҳитга зарар етказишни олдини олиш чоратадбирларини молиялаштиришни таъминловчи молиявий захираларни ташкил этиш имконини ҳам беради.

Мустақилликдан кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда ҳам суғурта фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги¹, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги², “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги³, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги⁴ бир қатор қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси нормаларида ҳам турли хилдаги суғурта хавфларидан ихтиёрий ва мажбурий суғурталашни амалга ошириш нормалари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг атмосфера хавосини, ер, сув ва ўрмон ресурсларини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасига оид қонун ҳужжатларида етказилган экологик ва иқтисодий зарарни баҳолаш ва қоплаш принциплари кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги⁵, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги⁶, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги⁷, “Чиқиндилар тўғрисида”ги⁸, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги⁹, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги¹⁰ ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида фавқулодда вазиятларнинг иқтисодий оқибатлари натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиб олиши, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган моддий зарарни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига ва бошқа имтиёзларга эга эканлиги белгиланган.

Ихтиёрий ҳамда мажбурий экологик суғурта қилишнинг ҳуқуқий асослари 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги¹¹ Қонунда белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб, корхоналар, муассасалар ва

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда

²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда

³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда

⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда

⁵Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда, 2019 й., 2-сон, 47-модда;

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон

⁶Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 212-модда

⁷Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 212-модда

⁸Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 72-модда

⁹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 223-модда

¹¹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда

ташкilotларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилиниши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда экологик суғурталаш тизимини жорий этиш мақсадида қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги қарори билан хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкilotларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида “Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда иқтисодийёт соҳасига мансуб ва алоҳида ҳисобга олинган айрим ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган, юқори экологик хавф туғдирувчи объектлар ҳисобланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2020 йил якунлари бўйича “Ўзбекинвест” компанияси 262 млрд сўм миқдорида суғурта мукофотларини йиғиб, Ўзбекистон суғурта бозорида етакчилиكنи сақлаб қолди ва мустаҳкамлади. Компания инвестиция лойиҳалари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, эркин иқтисодий, индустриал ва саноат зоналари субъектларини, транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлиги ва экспортчиларни комплекс суғурталаш бўйича суғурта мукофотларининг йиғими кескин ўсиши натижасида биринчи ўринни эгаллади. Мижозлар базаси 138 фоизга ўсиши таъминланди, 686 мингдан ортик юридик ва жисмоний шахслар “Ўзбекинвест” компаниясига ишонч билдиришган.

2020 йилда компания томонидан 69,9 млрд сўм суғурта товонлари тўланди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 44,8 млрд сўмга кўпроқ бўлиб ёки ўсиш 2,8 барабар бўлган. Букўрсаткичнинг ўсишига Сирдарё ва Бухоро вилоятларида техноген талофат ва табиий офат натижасида жабрланганларга суғурта қопламаларини тўланиши, ҳамда аҳолига COVID-19дан суғурта бўйича тўловлар кескин ўсиши асосий сабаблардан бири бўлган. Солиқ ва суғурта тўловларининг ҳажмини ўсишига қарамай, компания активлари 2019 йилга нисбатан 115,4 фоизга кўпайиши таъминланди. Шунингдек, йиғилган суғурта мукофотларининг маълум қисми компания депозит базасини кенгайтиришга йўналтирилиб, “Ўзбекинвест” АЖ миллий валютадаги депозит портфели 121 фоизга, хорижий валютадаги депозит портфели 105 фоизга ошган¹².

Бугунги кунда, иштирокчиларнинг экологик суғурта муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сонли қарори¹³ асосида ташкил этилган ва суғурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш

¹²<https://kun.uz/news/2021/03/23/ozbekinvest-kompaniyasi-2020-yil-yakunlariga-kora-ozbekiston-sugurta-bozorida-oz-ornini-mustahkamlab-yetakchilikni-saqlab-qoldi>

¹³Қонунҳужжатларимаълумотларимиллийбазаси, 31.12.2019 й., 09/20/1060/0021

бўйича ваколатли давлат органи бўлиб, суғурта муносабатларининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ушбу қарорга кўра, қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади: суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг суғурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суғурта маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш; суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан аҳоли ўртасида суғурта хизматларидан хабардорлик ва фуқароларнинг суғурта саводхонлигини ошириш юзасидан тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминлайди; оммавий ахборот воситаларида суғурталовчилар томонидан ижтимоий характердаги, шу жумладан, суғуртанинг устунликлари, суғурта товонларини тўлаш тартиби ва суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш ишларини ташкил қилади; Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича фуқаролар ва юридик шахсларнинг таклифлари, шикоятлари ва сўровларини кўриб чиқади ва ҳоказо.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган норма асосида, ихтиёрий ҳамда мажбурий экологик суғурта қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, унинг мақсад ва вазифаларини, молиявий таъминланиш механизмларини очиқ берувчи алоҳида “Экологик суғурта тўғрисида”ги махсус қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ёки қабул қилинаётган “Экологик кодекс”да алоҳида боб сифатида кенгроқ кўрсатиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, “Экологик суғурта тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши хўжалик фаолияти натажасида рўй бериши мумкин бўлган экологик хавфнинг олдини олишга, улар рўй берган тақдирда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф табиий муҳитга етказиладиган моддий зарарни қоплаш учун бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш орқали экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.